МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

Абдуҳамид Нурмонов, Шарифа Искандарова. Тилшунослик назарияси. Ўқув қўлланма.- Т.: Фан, 2008.- 176 б.

Тилшунослик фани тилга система сифатида ёндашув пайдо бўлгандан кейин назарий қарашларнинг аниқлиги билан ўзгача ривожланишни бошидан кечирди. Систем тилшунослик турли ғоялар, назариялар асосида ривож топди. Назарий билиш босқичига кўтарилди. Натижада тил илмидаги назарий қарашлар, ғоялар қайта кўрилиб, турлича талқинларига эга бўлди. Бундай ҳолат, айниқса, XX асрнинг иккинчи ярмида кучайди. Кўплаб тил ҳодисалари, типлар янгича талқин қилина бошланди. Бу эса тилда турлича ёндашувларни, қарашларни юзага келтирди. Ҳозирги кунда тил илми билан шуғулланувчилар ичида ушбу қарашларни, назарияларни тушуниш, талқин этиш бир хил эмас. Шунинг учун мавжуд назарияларнинг тилга тадбиқ этилиши хусусида янгича қарашлар асосида ёритилган муҳим дастур ва қўлланма зарурияти сезилди. Ана шу зарурият асосида юзага келган проф. А.Нурмонов ва Ш.Искандаровалар томонидан 2008 йилда яратилган “Тилшунослик назарияси” қўлланмаси ҳозирги кунда лингвистика йўналиши бўйича қўлга киритилган энг сўнгги ютуқларга таянган, мавжуд назарияларнинг илмий талқинида холисона ёндашилган асар ҳисобланади. Чунки, бугунги кунгача тил илмида янги назариялар тадқиқи айрим – айрим ҳолда,тарқоқ ва изчил эмас эди. Ана шундай кемтиклар ушбу қўлланма орқали тўлдирилди ҳамда бойитилди.

Ушбу қўлланма тилнинг муҳим хусусиятларини очиб берувчи назариялар тадқиқи ва тилга тадбиқ этилишини янгича талқин этади. Унда “Тилнинг ички тузилиши”, “Тилшунослик методлари”, “Лингвистиканинг бошқа фанлар билан муносабати” каби бўлимлар мавжуд. Бўлимларнинг номланишидан ҳам кўриниб турибдики, ушбу қўлланмада тилшунослик назариялар мағзи ёритилган.

Ушбу қўлланмада тилга систем ёндашув, лингвистик белги, тил ва нутқ, тил сатҳлари, тилнинг назарий билиш босқичи, тилшуносликдаги ҳодисаларни тадқиқ этиш методлари, анъанавий ва систем тилшунослик ҳамда уларнинг фарқли томонлари, тилнинг бошқа фанлар билан узвий алоқаси ҳамда муносабатлари каби энг муҳим қирралар ёритилган.

Қўлланманинг яна бир муҳим жиҳати ҳозирги кунгача бўлган тилшунослик назариялари илмий асосда таҳлилга тортилишидир. Чунки шу кунгача яратилган тилшунослик назариясига оид қўлланмаларда тил илмидаги мавжуд назариялар тавсифий характерда тадқиқ этилган эди. Ушбу қўлланмада мавжуд назариялар илмий таҳлил қилинган ва ҳар бир назариянинг тилга тадбиқ этилиши ҳамда бошқа назариялардан устун томонлари ва камчиликлари холисона очиб берилган. Муаллифларнинг муносабатлари ҳам ўз аксини топган.

Тилнинг ўзига хос қирраларини кўрсатувчи асослар мавжуд. Уларнинг талқинида ҳам бир хиллик йўқ. Айниқса, тилнинг ички қурилишини ташкил этувчи узвларнинг тадқиқи ушбу қўлланмада янгича таҳлил этилган. Чунки тилнинг ташқи ва ички томони мавжуд бўлиб, улар интералингвистика ва экстралингвистика таркибида ўрганилади. Ушбу йўналишдаги назарияларнинг мукаммалликка қараб интилиш жараёни, тадрижи ушбу асарда ўзига хос талқин қилинади ва изчил баён этилади. Тилнинг моҳиятини ва табиатини белгиловчи асосий узвлари кўрсатиб берилади ва холисона баҳоланади.

Тилнинг ички тузилишини асословчи унсур – бу система назарияси ҳисобланади. Қўлланмада система ва унинг ўзига хос қирралари, система ҳақидаги назарий қарашлар, моддий ва идеал система, фаннинг систем характери янгича талқин асосида ёритиб берилган. Тилнинг табиати, моҳияти ва система эканлиги, унинг тузилишлари асосланган. Тилнинг қайси жиҳатдан ёндашувига қараб таърифланиши, айниқса, вазифаси нуқтаи назаридан, қурилиш механизми нуқтаи назаридан, семантик нуқтаи назаридан, ахборот узатиш нуқтаи назаридан, генесеологик нуқтаи назаридан алоҳида-алоҳида таърифланиши бошқа қўлланмаларда кўринмайди. Тилнинг семиотиклиги, яъни, белгилар системаси эканлиги очиб берилган. Белгининг лингвистик табиати ва тилнинг иерархик тузилиши, тилдаги муносабатлар, янгича қарашлар орқали изоҳланган.

Ҳозирги кунгача тил сатҳларини тўла тушунтириб бера оладиган қўлланма йўқ эди. Сатҳ тушунчасини турлича тушуниб келинган эди. Айниқса, ёш мутахассислар, магистрлар, бакалавр талабалар ўртасида сатҳ деганда тилнинг бўлимларини тушуниш анъанага айланиб қолган эди. Айрим олимларнинг қарашларида ҳам сатҳ тушунчасини тилшунослик бўлимлари деб тушуниш мавжуд эди. Ушбу қўлланма ана шундай чалкашликларга чек қўяди. Қўлланмада сатҳ тушунчаси,

тил сатҳлари ва улар ўртасидаги муносабатлар, ҳар бир сатҳ бирликлари аниқ таърифланган. Сатҳ тушунчасини тил бўлимларидан фарқли томонлари очиб берилади. Бу эса тилнинг ички қурилишнинг мураккаб эканлигини кўрсатувчи далил ҳисобланади. Қўлланмани ўқиган киши тилнинг ички тузилиши ҳақида батафсил маълумотга эга бўлади.

Иккинчи бўлими “Тилшунослик методлари” деб номланган. Табиийки тилнинг ички қурилишини билиб олган киши тилни таҳлил қилишга уринади. Қўлланмада тилни ўрганиш, таҳлил қилиш методлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, ютуқлари ва камчиликлари аниқ очиб берилган. Методларнинг яратилиш тарихи, тилнинг қайси хусусиятини очиб беришга қаратилганлиги ва унинг афзалликлари ҳамда камчиликлари холисона таҳлил этилади. Бундан ташқари қўлланмада методларнинг пайдо бўлиш омиллари, яратилиши ва аввалги методлардан устунлиги, қулайлиги, тўғри хулоса чиқаришга туртки бўлиши кабилар алоҳида ёритилган. Илмий таҳлилнинг кучлилиги, назарий жиҳатдан пухталиги билан бу қўлланма аввалги яратилганлардан ажралиб туради ва уларни тўлдиради.

Учинчи бўлим “Лингвистиканинг бошқа фанлар билан муносабати” деб номланади. Унда тилшунослик фанининг ҳозирги кундаги ривожланиш босқичи, бошқа фанлар билан алоқадорлиги масалалари ёритилган.

Маълумки, ҳар қандай фан ўзи якка ҳолда, ўз қобиғи остида ривожлана олмайди. Шунингдек, тилшунослик фани ҳам. Чунки бирор бир ҳодисани тадқиқ этаётганда, бошқа фанга, унинг қонуниятларига мурожаат қилади, унга муҳтожлик сезади. Худди шу жараёнда, яъни, икки фан қўшилган жойда янги фан тизими ёки йўналиши пайдо бўлади. Бундай ҳолат ҳозирги кунда ҳар бир фаннинг ривожланиш жараёнида кўзга ташланади. Фан жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ривожланади. Жамият тараққиётига таъсир этади. Ана шундай жараёнда фанда янги-янги йўналишлар, алоқалар, муносабатлар юзага чиқади. Ушбу ҳолат қўлланмада атрофлича очиб берилган.

Тилшунослик билан математиканинг ўзаро алоқаси натижасида математик лингвистика, компьютер билан алоқаси асосида компьютер лингвистикаси, тил ва тафаккур муносабати асосида менталингвистика, социология билан муносабати асосида социолингвистика, этнография билан алоқаси асосида этнолингвистика, психология билан алоқаси асосида психолингвистика, неврология билан алоқаси асосида нейролингвистика, синергетика билан алоқаси асосида синергетик лингвистика каби йўналишлар пайдо бўлдики, уларнинг ўзига хос бирликлари, ўрганиш объекти масалалари ҳақидаги қарашларда ҳам бир хиллик йўқ. Бундай ҳар хилликка ушбу қўлланма чек қўяди. Чунки унда ушбу йўналишларнинг текшириш объекти, бирликлари ҳақида муҳим илмий манбалар ва таҳлиллар келтирилган. Бу йўналишларнинг пайдо бўлишига муносабатлар асос бўлганлиги илмий таҳлил этилган. Тилшунослик ўзи якка ҳолда, ўз қобиғига ўралган ҳолда ривожлана олмаслиги исботланган.

Қўлланманинг энг муҳим жиҳати шундаки, тилшуносликнинг шу кунгача бўлган даврида қўлга киритилган ютуқлар, назариялар ва қарашларнинг ўзига хос томонларини тадқиқ этиш билан бирга, уларга фан ютуқлари асосида муаллифларнинг фикри ва илмий муносабати ҳам ўз аксини топганликдадир. Ушбу асар тилшунослик назарияларининг умумлингвистик тадқиқига бағишланади. Умумлингвистик тадқиқ, илмий таҳлил, дунё тилшунослигидаги назарияларнинг илмий тавсифи тўлақонли очиб берилган қўлланмалар саноқли ҳисобланади. Ана шундай саноқлар ичида проф.А.Нурмонов, проф.Ш.Искандаровалар томонидан яратилган Тилшунослик назарияси қўлланмаси алоҳида ўрин тутади. Тилининг равонлиги, таҳлилларнинг содда ва илмий асосга таянилганлиги билан ажралиб туради.

Қўлланма ўз вақтида ёзилган ва тилшуносликка оид асарларнинг кемтик жойларини тўлдиради. Ҳозирги кунда таҳсил олаётган филолог талабалар, лингвистика йўналишидаги магистрлар, аспирантлар, илмий тадқиқотчилар, докторантлар учун муҳим қўлланма ҳисобланади.

У.Раҳимов,
филология фанлари номзоди, доцент